ТИББИЙ ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИДА ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА СИФАТ–ЖАРАЁН МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Абдувохидов Халилилло Шукрулло ўғли
Андижон давлат техника институти таянч докторанти
E-mail: engabduvohidov@gmail.com
Tel: +998 93 787 44 66
ORCID: 0000-0001-8475-6259
Жўраев Зафар Ботирович
Андижон давлат техника институти профессори Техника фанлари номзоди
E-mail: zbjuraev@gmail.com
Tel: +998 93 442 42 30
ORCID: 0009-0008-5141-9916

Аннотация. Ушбу мақолада тиббий даволаш муассасаларида тиббий асбоб-ускуналарни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Тадқиқот халқаро стандартлар талабларига асосланган сифат менежменти ва жараён ёндашувига таянган ҳолда сифат–жараён моделини ишлаб чиқишга қаратилган. Таклиф этилган модел тиббий асбоб-ускуналарнинг ҳаётий циклини бошқаришни такомиллаштириш, эксплуататсия самарадорлигини ошириш ҳамда тиббий хизматлар сифатини яхшилаш имконини беради.

Калит сўзлар: тиббий асбоб-ускуналар, сифат–жараён модели, бошқариш тизими, жараён ёндашуви, халқаро стандартлар.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы совершенствования системы управления медицинским оборудованием в лечебных учреждениях. Исследование направлено на разработку модели «качество–процесс», основанной на принципах менеджмента качества и процессного подхода в соответствии с требованиями международных стандартов. Предложенная модель способствует повышению эффективности эксплуатации медицинского оборудования и улучшению качества медицинских услуг.

Ключевые слова: медицинское оборудование, модель «качество–процесс», система управления, процессный подход, международные стандарты.

Abstract. This paper addresses the improvement of medical equipment management systems in healthcare institutions. The study focuses on the development of a quality–process model based on quality management principles and a process approach in accordance with international standards. The proposed model enhances the efficiency of medical equipment utilization and contributes to improving the quality of healthcare services.

Keywords: medical equipment, quality–process model, management system, process approach, international standards.


Кириш.

ISSN 3030-3907

Тиббий технологияларни бошқариш сифатни бошқариш билан ўзаро боғлиқдир. Ҳар қандай сифат бошқаруви тизими касалхонадан тиббий ускуналарига сифатли хизмат кўрсатиш жараёнларни белгилаш ва амалга оширишни талаб этади ва жиҳозлар касалхонага соғлиқни сақлаш соҳасида ижобий натижаларга эришишда ёрдам беради. Соғлиқни сақлаш соҳасида сифат тушунчаси жуда кенг маънога эга. Бир неча ўн йиллар илгари яхши деб ҳисобланган тиббиёт амалиётлар ҳозирги ва келажакдаги энг яхши амалиётлардан фарқ қилади. Илм-фан ва соғлиқни сақлаш технологиялари ютуқлари, клиник тадқиқотлар ва амалий тажриба далиллари, шунингдек маданий ва аҳлоқий муаммолар бизнинг юқори сифатли тиббий ёрдам тўғрисидаги тушунчамизни шакллантиради. Менежмент нуқтаи назаридан сифат – бу тизимнинг, унинг таркибий тузилиши (сарф-харажатлар ёки ресурслар) ва жараёнларининг исталган/кутилган натижасидир. Бу асосан маҳсулот (товарлар ёки хизматлар) ва натижаларга таалуқлидир. Ишлаб чиқариш соҳаларидан фарқли ўлароқ:

- соғлиқни сақлаш моддий маҳсулот эмас, балки хизматдир
- соғлиқни сақлаш мураккаб ва унинг сифатини аниқлаш ва баҳолаш қийин
- беморлар кирадиган ресурс сифатида стандартлаштирилмаган ва ҳар бир ҳолат бироз бошқачадир
- соғлиқни сақлаш беморнинг кўрсатилаётган хизматга фаол жалб қилинишини талаб қилади
- соғлиқни сақлашдаги кутишлар (умидлар) турли хил манфаатдор гуруҳлар ичида (беморлар, хизмат кўрсатувчилар ва ҳукумат) фарқ қилади
- маълумотлар ассимметрик: беморда профессионал/тиббий билимлар йўқ.

Методология. Бунинг натижасида шифохона бўлими каби маълум бир шароитда киришларни (ресурсларни) маҳсулотга айлантирадиган **жараёнлар ва тизимлар** фаолияти натижасида ҳосил бўлади – 1-расм.



1-расм - Соддалаштирилган жараён модели

Шифохоналар ўз мижозларига / беморларига тиббий хизматларни кўрсатадилар. Муайян даражада тиббий хизматлар стандарт ишлаш процедуралари (жараёнлари), протоколлар ва даволаш бўйича қўлланмалар ёрдамида стандартлаштирилиши мумкин, аммо фабрикадагидек эмас. Шифохоналар маълум бир **муҳитда** ишлайди, бу муҳит, бошқалар қаторида, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, сиёсий контекст, манфаатдор

ISSN 3030-3907

томонларнинг манфаатлари ва умидлари, қонуний ва меъёрий талаблар, мавжуд тиббий технологиялар ва бошқа (хусусий) шифохоналар билан рақобатни ўз ичига олган. Бундан ташқари, шифохона маҳсулотлар олишига ва мақсадларга эришишига таъсир кўрсатувчи кўплаб **ички омиллар** мавжуд, уларнинг ичига етакчилик, бошқарув тизимлари ва тузилмалари, ташкилий маданият ва қадриятлар, техник инфратузилма ва ресурслар киради.



2-расм - Жараён модели

Натижа. 2**Ошибка! Источник ссылки не найден.** идеал тарзда аҳолининг эҳтиёжларини баҳолаш касалхона **мақсадларини** белгилашга қандай қилиб ўтиши кўрсатилган, улар ўз навбатида **сарф-харажатлар** (молиявий, моддий ва инсон ресурслари) ажратилиши кераклигини билдиради. Агар касалхонада ички жараёнлар яхши ташкил этилган ва амалга ошириладиган бўлса, касалхонада тегишли маҳсулотлар ва натижалар яратилади, булар эса ниҳоятда аҳоли соғлиғига ижобий таъсир кўрсатади. **Ошибка! Источник ссылки не найден.** кўриниб турибдики, **сарфлар** ўз ичига қуйидагиларни олади:

- **тиббий ва нотиббий жиҳозлар**, асбоблар ва машиналар – стетоскоплар, ультратовуш аппаратлари ва тез ёрдам машиналари
- сарф материаллари, дори воситалари, кимёвий реагентлар, озиқ-овқат ва ичимликлар, чойшаблар каби **моддий ресурслар**
- **шифохона ходимлари** – ўз билимлари, кўникмалари ва муносабатлари билан
- **маълумотлар,** ёзма шаклдаги процедуралар, сиёсатлар, қонунчилик, қоидалар, услублар ва қўлланмалар
- жараён давомида ишлатиладиган ва/ёки ушбу жараён учун тайёрланадиган операция хоналари ёки дорихоналар каби **бинолар** ва объектлар.

Моҳиятан, соғлиқни сақлаш соҳасида **беморлар** ҳам энг асосий сарфлар/киришлар сонига киради

ISSN 3030-3907



Расм 3 – Шифохонада ёрдам кўрсатишдаги кириш (сарфлар), чиқиш (маҳсулотлар) ва натижалар мисоллари

Ошибка! Источник ссылки не найден. шифохонанинг одатий маҳсулотларини (чиқишларини) кўрсатади Бошқа чиқишлар сафига қуйидагилар киради:

- **маҳсулотлар**, яъни шифохона дорихонаси томонидан тайёрланган инфузион эритмалар ва шихофона ошхонасида тайёрланган овқат каби моддий маҳсулотлар
- беморга кўрсатилган (тиббий) **хизматлар** (натижалар), масалан, бемор эмланган ёки овқатлантирилган. Нотиббий хизматлар мисоли – бу шифохонанинг тиббий техника муҳандиси ёки техниги томонидан бажарилган тиббий асбоб таъмири
- маълумотлар ва ҳужжатлар, масалан, беморларнинг **касаллик тарихлари** ёки касалхонанинг ҳисоботлари, буларни жараён муайян сарфлардан фойдаланиб яратади. Ахборот, ҳужжатлар (ва бошқалар) жараённинг **ён маҳсулоти** бўлиши мумкин. Кўпинча, улар жараён содир бўлганлигини **исботлаш** учун ишлатилади, масалан баъзи асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ҳисобот.

Шунингдек, **Ошибка! Источник ссылки не найден.** шифохона хизматларининг умумий **натижаларини** кўрсатади. Натижалар (одатда бир қатор) муайян маҳсулотлардан келиб чиқади. Бироқ натижа **ҳар доим ҳам мўлжалланган/кутилгандек бўлмаслиги** мумкин – гарчи барча тегишли маҳсулотлар мавжуд бўлса ҳам.

Мисоллар:

Жарроҳлик операциясининг маҳсулоти ўсмани олиб ташлаш бўлиши мумкин. Даволаш жараёнининг умумий натижаси бемор муваффақиятли даволанганлиги ва 5 йилдан сўнг саратон касаллигидан тўлиқ тузалгани аниқлангани бўлиши мумкин. Шунга қарамай, ижобий натижа бўлишига

ISSN 3030-3907

кафолат йўқ. Барча даволаш имкониятлари ишлатилганига қарамасдан, бемор саратон касаллигидан ўлиши мумкин.

Худди шу нарса шифохонага ёки шифохонанинг ўзида кўрсатилган нотиббий хизматларга амал қилади. **Ишдан чиққан КТ сканери** сингари жуда мураккаб тиббий жиҳозни таъмирлаш ҳаракатлари муваффақиятли бўлиши мумкин, бу ҳолда КТ яна ишлаб кетади, ёки муваффақиятсиз бўлиши мумкин, бу ҳолда КТ ишламасдан қолади ва шу сабабли **ҳисобдан чиқарилиши** лозим бўлади.



4-Расм - Сифат параметрлари

Касалхоналар кўплаб вазиятларда натижаларни тўлиқ бошқара олмайдилар. Кўп нарса шифохона раҳбарлари, шифокорлари ва ҳамширалари таъсир қила олмайдиган омилларга боғлиқ, масалан, **беморнинг** жуда **заиф саломатлиги** ва қўшимча касалликлари, ёки баъзида беморнинг амалга ошмайдиган/асоссиз умидлари.

Сифат параметрлари

Сифатга ҳар хил нуқтаи назарлардан қараш мумкин ва у маълум жиҳатларга эга. Буюк Британиянинг Миллий соғлиқни сақлаш хизмати учта асосий параметрни ажратади – 4**Ошибка! Источник ссылки не найден.**га қаранг: Хавфсизлик, Клиник самарадорлик ва Беморнинг тажрибаси.

Кам, ҳаддан ташқари кўп ёки нотўғри ишлатилган тадбирларнинг юқори даражадаги хавфи ва ўлимга олиб келиши мумкинлиги туфайли **хавфсизлик** тиббиёт соҳасида асосий мумаммолардан бири ҳисобланади.

Клиник самарадорлик деганда, маълум бемор ёки беморлар гуруҳи учун тиббий аралашув қай даражада «ишлаётганлиги» тушунилади. Бу қуйидагиларга тегишли:

- мавжуд далиллар асосида тиббий тадбирлар ва парваришларнинг мақсадга мувофиқлиги ва ўз вақтда бажарилиши ҳамда уларнинг энг яхши амалиётга мувофиқлиги

ISSN 3030-3907

- қўлланиладиган тиббий тадбирлар ва хизматларнинг ҳақиқий натижалари

Мос келадиган, яхши ишлайдиган **тиббий технология** клиник самарадорликнинг сабабларидан биридир. Аксинча, жиҳозларнинг носозликлари ёки тўҳтаб қолиши беморларнинг соғлиғига хавф тўғдиради.

Беморларнинг ижобий тажрибалари беморга йўналтирилган парвариш ва беморларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан шаҳсий ҳаёти – махфийлик ва хабардор розилигига (информированное согласие) бўлган талабнинг ошиши билан ёнма-ён келади. Беморларда ташхис қўйиш ва даволанишдан, шу жумладан илғор тиббий технологиялардан фойдаланишдан маълум орзу/ишончлар бўлиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги сифат ҳаммамизга тегишли. Бироқ, барчамиз сифатга турли **нуқтаи назардан** қараймиз. Сифатни алоҳида жиҳат деб кўриб бўлмайди. Тиббий ёрдам бўйича қарорлар қабул қилишда харажатлар самарадорлигини ҳисобга олиб бошқа вариантлар билан таққослаш лозим. Нозарур харажатларни олдини олиш учун **танқис маблағлардан** самарали фойдаланиш зарур. Хавфли кечиктиришларни олдини олиш учун хизматлар ўз вақтида кўрсатилиши лозим. Хизмат тенг, адолатли равишда кўрсатилиши керак. Тиббий хизматлар сифати **кўп ўлчамли** комплекс муаммо бўлиши туфайли, уни баҳолаш турли хил кўрсатгичларни талаб қилади.

Сифат концепциялари ва ёндашувлари

Сифат концепциялари ҳақидаги адабиётларни ўқиш турли хил ва баъзан бир-бирининг ўрнига ишлатиладиган атамалар туфайли чалкаштириши мумкин. Концепциялар вақт ўтиши билан ривожланади, ва улар билан бирга терминология ҳам ўзгаради.

Ошибка! Источник ссылки не найден.-да **тўртта асосий сифат концепциялари** тасвирланган.



5-расм - Сифат концепциялари

Сифат назорати - эҳтимол бу ерда келтирилган сифат концепциялар ўртасида энг қадимги тушунча бўлиб, муаммоларни аниқлаш ва уларни

ISSN 3030-3907

тузатишга қаратилган. Лабораторияларда ва дори-дармонлар ишлаб чиқаришда сифат назорати ҳали ҳам муҳим рол ўйнайди.

•**Сифат кафолати -** минимал (дастлаб, асосан тузилмавий) стандартларга мувофиқликни баҳолашда концепция сифатида АҚШ Қўшма Комиссияси томонидан қўлланилган, бу ўзаро баҳолаш ва тиббий ёзувларни текшириш билан бирлаштирилган.

•**Сифатни яхшилаш** ва **сифат бошқаруви/менежменти -** соғлиқни сақлашда жуда машҳур бўлган янгироқ, кенгроқ ва профилактик/олдиндан чора кўриш концепциялари.

Сифат назорати маҳсулот ёки хизмат минимал сифат талабларига жавоб беришини таъминлашга қаратилган ташкилотларнинг сай-ҳаракатларидан иборат. У қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

•Ишлаб чиқарилган товарларни (ёки кўрсатилган хизматларни) ўзгарувчанлигини аниқлаш ва ўлчаш

•Ҳар қандай сифатсиз ёки нуқсонли маҳсулотларни аниқлаш ва олиб ташлаш

•Ҳисобот бериш ва тузатувчи чораларини кўриш.

Сифатни назорат қилиш учун қабул қилинган, сифатга қўйилган минимал талаб даражасини белгилайдиган ва якуний маҳсулотни таққослаш учун фойдаланадиган маҳсулот ёки хизматнинг техник хусусиятлари ва мезонлари талаб қилинади. Ишлаб чиқариш жараёнида сифат назорати текширувлар ва синовларни ўз ичига олади.

Сифат кафолати харидорларда маҳсулот ёки хизмат талабларга жавоб беришига ишончни кучайтириш бўйича доимий ҳаракатларни ўз ичига олади. Сифат кафолати атамаси кўпинча сифат назоратининг синоними сифатида ишлатилади. Шу билан бирга, сифат кафолати янада кенгроқ мақсадларга қаратилган бўлиб, қуйидаги режали ёки тизимли ҳаракатларни ўз ичига олади:

•тегишли техник ёки бошқа сифат тавсиф/характеристикаларини ҳамда киришлар/ сарфларга ва чиқишлар/маҳсулотларга бўлган талабларни белгилаш

•ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш киришлари (сарфлар) ва чиқишлари (маҳсулотлар) белгиланган стандартлар ва тартибларга/процедураларга мувофиқлигининг назорати, шунингдек, синовлар ва ички ёки ташқи аудитлар

•ишлаб чиқариш / хизмат кўрсатиш жараёнларининг заиф томонларини аниқлаш ва ушбу жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган тузатиш чораларини белгилаш

•ташкилот фаолияти, сифат сиёсати ва тартиблари белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш.

ISSN 3030-3907

Одатда сифат кафолати хато ёки нуқсонга сабаб бўлган шахсни аниқлаш ҳаракатларида реактив, ретроспектив ва кўпинча холларда жазоловчидир.

Сифатни яхшилаш ташкилотнинг (i) сифатли маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ишончлилигини ошириш ва (ii) сифат даражасини кўтариш бўйича мунтазам ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу маънода сифатни яхшилаш сифат кафолати концепциясидан фарқ қилади, унинг асосий мақсади маълум бир сифат даражасини сақлаб туришдир.

- Сифатни яхшилаш сифат тўғараклари сингари турли хил ёндашувлар орқали **сифатни босқичма босқич яхшилашга** қаратилган доимий сифатни такомиллаштиришга – ДСТ (Continuous Quality Improvement - CQI) йўналтирилган бўлиши мумкин
- У муайян муаммоларни аниқлаш, лойиҳаларни бошлаш, жамоалар ва ресурсларни тайинлаш, ечимларни аниқлаш ва амалга ошириш ва уларнинг муваффақиятларини баҳолаш орқали маълум бир сифат муаммоларини ҳал этишга қаратилиши мумкин.
- Охирги пайтларда сифатни яхшилаш ривожланиб бориб, нафақат жараёнлар даражасида сифатни таҳлил қилиш ва яхшилашга, балки бутун ташкилот фаолияти (сифатини) яхшилаш мақсадида тизим ва унинг қуйи таркибий қисмларида **аён ва яширин хатоларни** аниқлаш ва олдини олишга қаратилган.

Сифатни яхшилаш ўз ичига истиқболли ва ретроспектив элементларни олади. Хавфсизлик маданиятини яратиш ҳаракатида у **айблашдан қочишга** ҳаракат қилади. Японча «Кайдзен» сўзи («доимий такомиллаштириш» деган маънони англатади) уни яхши тавсифлайди.

Сифат менежменти деганда ташкилотнинг сифатни бошқариш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича доимий ва мунтазам ҳаракатлари тушунилади. Буларга сифатни режалаштириш ёки лойиҳалаш, сифат назорати, сифат кафолати ва сифатни яхшилаш киради. Сифат менежменти ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат сифатини назорат қилиш билан чекланиб қолмайди. Ташкилот миқёсидаги сифат мақсадлари, қоидалари ва жараёнлари одатда сифат бўйича қўлланмада тўпланади. Сифат менежментига яхлит ёндашув - бу 1980-90 йилларда жуда машҳур бўлган **«Умумий сифат менежменти» - УСМ (Total Quality Management -TQM)** ёки **«Кайзен»**-дир. Бу ёндашув жараён ва мижозларга асосий эътиборни қаратиш, ходимларнинг имкониятларини кенгайтириш ва қарор қабул қилишда маълумотлардан фойдаланиш орқали сифатни доимий равишда яхшилашга қаратилган. УСМ ва **“Доимий Сифатни Такомиллаштириш”** (ДСТ) атамалари кўпинча бир-бирининг ўрнида ишлатилади.

ISSN 3030-3907

Кўпинча сифат менежменти ёндашувларининг асосий қисмини (мағзини) Деминг цикли деб аталадиган PDSA (Plan - Режалаштириш, Do - Бажариш, Study - Текшириш, Act – Амал қилиш / Тўғрилаш) ташкил этади - PDSA цикли ҳақида батафсил маълумот қуйида келтирилган

Сифат менежменти стратегиялари ва усуллари

Ҳозирги вақтда тиббиёт муассасаларида ишлаётган сифатни яхшилаш воситалари, стратегиялари ва ёндашувларнинг аксарияти ишлаб чиқариш компаниялари учун яратилган. Айниқса бу Кайдзен / УСМ (TQM) ва Олти Сигма (Six Sigma) каби ёндашувлар учун амал қилади.



6 -Ошибка! Источник ссылки не найден.**да умумий сифат стратегиялари, усуллари ва воситаларининг термаси кўрсатилган.**

1. Қўшимча ресурслар

Тиббий хизматни қониқарсиз сифатига нисбатан анча кенг тарқалган жавоб бу кўпроқ молиявий, моддий ва инсон ресурсларни, шу жумладан касалхона инфратузилмасига инвестицияларни жалб этишдир. Бу давлат соғлиқни сақлаш хизматлари учун айниқса жозибали ва ишончли ечим бўлиб кўринади. 2000 йил бошида Буюк Британия Миллий соғлиқни сақлаш хизматига маблағлар оқими ушбу ёндашувга мисолдир. Бироқ, қўшимча ресурслар тиббий хизмат сифатини автоматик равишда яхшиламайди, айниқса, агар улар асосан иш хақини ошириш учун ишлатилса. Қўшимча ресурслар оқими қуйидагича бўлиши лозим:

- устувор эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, мақсадли равишда сарфланган
- сарф-харажатлар ва кутилаётган натижалар ўртасидаги боғлиқликни максимал даражага кўтаришни мақсад қилиб, иқтисодий жиҳатдан самарали равишда тақсимланган

ISSN 3030-3907

• вақтинча эмас, балки узоқ муддатли ечимларни яратишга интилиб, оқилона инвестиция қилинган

•самарадорлик ва сифатни мукофотлашга қаратилиб тегишли равишда ишлатилган ва мониторинг қилинган.

2. PDSA цикли

Сифатни яхшилаш бўйича кўплаб ташаббусларнинг, хусусан Кайдзеннинг, асосий элементи бу PDSA цикли (баъзан Деминг ёки Шеварт цикли/ғилдираги деб номланади):

Plan - Режалаштириш: Мақсадларни, саволларни ва башоратларни белгилаш ва бажаришни режалаштириш

Do – Бажариш: Режани амалга ошириш, муаммоларни ва кузатувларни ҳужжатлаштириш

Study – Текшириш (ўрганиш): маълумотларни таҳлил қилмоқ, натижаларни баҳоламоқ ва олинган сабоқларни қайд этмоқ

Act – Амал қилиш: Стандартлаштириш ёки ўзгаришларни давом эттириш.



7-расм - PDSA цикли юқорига кўтариладиган спирал кўринишида

Циклга операцияни **стандартлаштириш**, стандартлаштирилган операцияни ўлчаш (циклнинг вақт давоми, жараён давомида сарфланадиган ресурслар миқдори) **ўлчов натижаларини қўйилган талаблар** билан таққослаш, талабларни қондириш ва маҳсулдорликни ошириш учун жараёнга **инновациялар киритиш**, такомиллаштирилган операцияни **стандартлаштириш** ва ушбу циклни чексиз (*ad infinitum)* давом эттириш. Идеал ҳолда, PDSA сифатни юқорига кўтарилиб борувчи спирал бўйлаб яхшилайди, у ҳар бир цикл билан сифат даражасини узлуксиз равишда ошириб боради– 7**Ошибка! Источник ссылки не найден.** қаранг. Соғлиқни сақлаш соҳасида ўзгартирилган, самарадорлик ва сифатни яхшилашга

ISSN 3030-3907

қаратилган **FOCUS-PDCA** варианти қўлланилади. PDCA цикли олдидан қуйидаги босқичлар амалга оширилади:

Find –Топмоқ - имконият ёки яхшилаш керак бўлган жараённи аниқлаш

Organize – Ташкил этмоқ - жамоа/гуруҳ ташкил этиш

Clarify – Аниқламоқ - яхшилаш имкониятларига таъсир кўрсатадиган муаммо ва жараёнлар тўғрисидаги билим даражасини аниқлаш

Understand – Тушуниш - асосий муаммолар, жараённинг ўзгарувчанлиги ва потенциал имкониятларини/салоҳиятини тушуниб олиш

Select – Танлаш - узлуксиз такомиллаштириш стратегиясини танлаш.

Хулоса. Тадқиқот натижаларига кўра, тиббий даволаш муассасаларида тиббий асбоб-ускуналарни бошқариш тизимини такомиллаштиришда сифат менежменти ва жараён ёндашувига асосланган сифат–жараён моделини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Таклиф этилган модел тиббий асбоб-ускуналарнинг ҳаётий цикли жараёнларини тизимли бошқариш, эксплуататсия самарадорлигини ошириш ҳамда носозликлар ва хавф-хатарларни камайтиришга хизмат қилади. Натижада тиббий хизматлар сифати ва беморлар хавфсизлигини таъминлаш даражаси сезиларли даражада яхшиланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida. – T.: 2022 yil 28 yanvar, PF-60-sonli Farmon.

2. Porter M. E., Teisberg E. O. *Redefining Health Care: Creating Value-Based Competition on Results.* – Boston: Harvard Business School Press, 2006.

3. Topol E. *The Patient Will See You Now: The Future of Medicine is in Your Hands.* – New York: Basic Books, 2015.

4. Ismatullaev P.R., B.M. Axmedov, P.M. Matyakubova va boshqalar. Sifat menejmenti tizimi va uni sertifikatlashtirish // Darslik.: - Toshkent. 2014.

ISSN 3030-3907